



## АБДУРАҲМОН АБУЗАЙД ИБН ХАЛДУННИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

СУЛАЙМОНОВ Жасур Бахтиёрович  
ТДШУ Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси  
катта ўқитувчиси  
[nihatchetin@gmail.com](mailto:nihatchetin@gmail.com)



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-1-114-124>

### ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада араб мутафаккири Абдураҳмон Абузайд ибн Халдуннинг ҳаётий фаолияти ёритилган. Мақолада Абдураҳмон Абузайд ибн Халдуннинг ҳаёти ва фаолияти мутафаккирнинг асарлари ҳамда хорижий тадқиқотчиларнинг тадқиқотлари асосида таҳлили қилинган.

**Kalit so‘zlar:** Андалусия, Ибн Халдун, Валиуддин, Ҳазар Маут ва Вайла ибн Ҳаджара Соҳибиб, ал-Мурабитунлар, ал-Мувахидунлар, Ҳафасийлар, Маринийлар, Абу Инон, Гарнота, Муҳаммад ан-Насрий, Бани Ориф, Ибн Салом қалъаси, Муқаддима, китаб ал-Ибар, мамлуклар, Султон Барқуқ, султон Фараж, Амир Темур, маликийлик мазҳаби.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается жизнедеятельность арабского мыслителя Абдуррахмана Абузейда ибн Халдуна. В статье анализируются жизнь и творчество Абдуррахмана Абузейда ибн Халдуна на основе произведений мыслителя и исследований зарубежных исследователей.

**Ключевые слова:** Андалусия, Ибн Халдун, Валиуддин, Ҳазар Маут и Вайла ибн Ҳаджара Сагибиб, аль-Мурабитун, аль-Мувахидун, Ҳафаси, Марини, Абу Инан, Гарнота, Муҳаммад ан-Насри, Бани Ариф, замок Ибн Салам, Муқаддима, книга аль-Ибар, мамлюки, султан Баркук, султан Фарадж, Амир Тимур, маликизм.

### ABSTRACT

This article describes the life of the Arab thinker Abdurrahman Abuzeid ibn Khaldun. The article analyzes the life and work of Abdurrahman Abuzeyd ibn Khaldun based on the works of the thinker and the research of foreign researchers.

**Key words:** Andalusia, Ibn Khaldun, Waliuddin, Khazar Maut and Waila ibn Hajara Sagibib, al-Murabitun, al-Muwahidun, Hafasi, Marini, Abu Inan, Garnota, Muhammad al-Nasri, Bani Arif, Ibn Salam castle, Muqaddima, book al-Ibar, Mamluks, Sultan Barquq, Sultan Faraj, Amir Timur, Malikism.

## КИРИШ

XIV асрға келиб, реконкиста туфайли Испаниядан Шимолий Африка шаҳарлариға күчиб келган андалус араблари араб-андалус цивилизацияси ютуқларини бу ерга олиб келишганды. Ибн Халдун ҳам ўша араблар вакили бўлган. У ўз умри давомида турли хил сиёсий мансабларда фаолият юритган. Роже Гароде сўзларига кўра: “Ибн Халдун бир вақтнинг ўзида ҳам олим, ҳам рассом, ҳам ҳарбий, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам файласуф қирраларини ўзида жалб этган XIV аср даҳосидир”<sup>1</sup>.

Ибн Халдун ҳаёти ҳақида маълумотлар Ибн ал-Хотиб, Шамсиддин ас-Саҳавийнинг асарларида, шунингдек Ибн Халдун ўзи томонидан ёзилган автобиографиясида баён этилган.

Ибн Халдуннинг тўлиқ исми Абузайд Абдураҳмон ибн Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Жобир ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Абдураҳмон ибн Холдун Ҳазрий Ашбилий Тунисийдир. Унинг лақаби “Валиуддин”дир.

Ибн Халдун ўзи маълумот беришича, унинг аждодлари асли яманлик Ҳазар Мавт ва Ваила ибн Ҳажара Соҳиби деган арабга бориб тақалади, улар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам даврларида қуръонни ўқитиш ва исломни тарқатиш учун Яманга юборилган экан.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Мақола мавзусиин ёртиш жараёнида Ибн Халдуннинг Байрутда нашр қилингане “Ал-Муқаддима”асаридан, Сулаймон Улудағнинг Анқарада нашр этилган “İbn Haldun. Hayatı. Eserleri. Fikirleri” асаридан, Сайид Муҳаммад Хотамийнинг Тошкентда нашр қилинган “Ислом тафаккури тарихи” ҳамда С.Н. Григоряннинг Москвада нашр қилинган “Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока” асарларида асосий адабиётлар сифатида фойдаланилди. Шунингдек, Доктор Муҳаммад Муъин, Доктор Сайд Шурабажий асародаори ҳамда мақола муаллифининг мавзуга доир мақфолаларида фойдаланилди. Мақола мавзусини ёритиш жараёнида тарихийлик, мантиқийлик ва дедуктив мкторлардан фойдаланилди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ибн Халдун 1332 йилда Тунисда туғилган. Унинг аждодлари уммавийлар сулоласи даврида саройда юқори лавозимларда иш юритишган. Улар Андалузияда марказий ҳокимият бой берилгач ҳам, ўз мавқеларини сақлаб қолишишган. Ибн Халдуннинг бобокалонлари ал-Мурабитунлар (1095-1149) ва ал-Муваҳидунлар (1149-1248) даврида ҳам ўз нуфузларига эга бўлганлар. Ал-

<sup>1</sup> Григорян С. Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. М., 1966 г., с. 311



муваҳидунлар давлатининг таназзулидан сўнг Ибн Халдуннинг аждодлари ўз ҳомийлари билан Тунисга келдилар<sup>2</sup>. Бу вақтда Тунисда ал-муваҳидунларнинг Ишбилия(Севилья) ва Ғарбий Андалузиядаги ноибининг авлоди Абу Закариё мустақил Ҳафасийлар давлатини тузган эди.

Абу Закариёнинг меросхўрларидан бири Абу Исҳоқ даврида Ибн Халдуннинг бобокалони Абу Бакр Муҳаммад вазир бўлган. Ибн Халдуннинг отаси Муҳаммад сиёsatдан йироқ бўлиб, илм-фан билан шуғулланган.

У ислом фикҳи, филология ва шеъриятда шуҳрат қозонган. У ўзининг илм фанга булган қизиқишини ўғлига ҳам ўтқазади. Муҳаммад ўғлига ислом ҳуқуқшунослиги, араб тили грамматикаси, мантиқ ва қуръон илмини ўрганган. Ибн Халдун отаси раҳбарлигида “Қуръони Карим”ни ёд олган<sup>3</sup>. У Ибн ал-Муса (вафоти 1348 йил), Муҳаммад ибн Абдусалом (1277-1348) каби машхур мударрислардан мантиқ, араб тили гарамматикаси, ислом ҳуқуқи, риторика каби фанлардан таҳсил олди<sup>4</sup>. Шулар қатори Ибн Халдун фалсафани ҳам ўрганган. Афсуски тақдир, ҳукми билан Ибн Халдуннинг ҳаётида катта бурилиш даври содир бўлади. 1348-1349 йилларда Тунисда ўлат тарқалади. Ўша вақтда 18 ёшда бўлган Ибн Халдун тақдирнинг шафқатсиз зарбасига учрайди. Унинг ота-онаси ва устозлари Туниснинг машхур мударрислари Ибн ал-Мусо, Муҳаммад ибн Абдусаломлар ўлат эпидемияси қурбони бўлишади<sup>5</sup>. Ибн Халдун бу қайгули ҳодисадан сўнг, таълим олишни тўхтатиб, иш излашга мажбур бўлади. Аждодларининг шонли ўтмиши ва уларнинг саройдаги обрўси ҳисобига Ибн Халдун саройга жалб қилинади. Маълумки, Ибн Халдуннинг бобокалони Абу Бакр Муҳаммад Ҳафасийлар шоҳи Абу Закариё даврида сарой молия бошқармасини раиси, вазири булган. Ибн Халдун Ҳафасийларнинг ёш тахт эгаси Абу Исҳоҳнинг муҳрдори этиб тайинланди. Бу вақтда у 20 ёшда эди<sup>6</sup>.

Лекин йиллар ўтиши билан ҳафасийлар сулоласи заифлашиб борар эди. Ибн Халдун ҳам ўз авлоди ҳомийси бўлган ушбу сулоланинг ичидан зил кетаётганлигини сезган эди. Бу орада Мағрибда сиёсий вазият кескинлашди. Марокашдаги маринийлар султони Абу Инон вақтинча бўлсада, Тунисни босиб олади. Маринийлар қудратини кўрган Ибн Халдун ўз оиласининг шарафли анъаналарини давом эттириш мақсадида, Марокашнинг қудратли ҳукмдори хузурига отланди. Ибн Халдун Марокаш пойтахти Фесга этиб келди. Султон Абу Инон Ибн Халдунни сарой уламоларига таништириб, улар сафига қўшиб

<sup>2</sup> Uludağ Süleyman. İbn Haldun. Hayatı. Eserleri. Fikirleri. Ankara. Harf Eğitim Yayıncılığı. 2022. – В. 13.

<sup>3</sup> Дуктур Муҳаммад Муъин. Фарҳангি форсий. Техрон, 1371 х.ш., 16-бет

<sup>4</sup>[www.ugr.es/~mazimane/ibnkhaldoun.htm](http://www.ugr.es/~mazimane/ibnkhaldoun.htm)

<sup>5</sup>[www.ummah.net/history/scholars/KHALDUN.html](http://www.ummah.net/history/scholars/KHALDUN.html)

<sup>6</sup> Григорян С. Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. М., 1966 г., с. 312

қўяди. Тезда Ибн Халдун ўзининг тиришқоқлиги сабабли султон уни ўз котиби ва муҳрдори этиб тайинлайди<sup>7</sup>. Ўша вақтда Маринийлар султони ўз пойтахти Фесни маданий ва илм-фан марказига айлантириш ниятида юрар эди. Шунинг учун султон Абу Инон Фесга жуда машҳур олимларни таклиф қилган эди. Улар орасида Андалузиядан келган машҳур олимлар ҳам бор эди, ибн Халдун ушбу олимлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз билимини оширди. Лекин султон Абу Иноннинг Ибн Халдунга нисбатан бўлак ҳурмати ва ишончи сабабли, саройдаги бир гурух аъёнлар ва олимлар Ибн Халдунга душманлик қила бошладилар. Душманларнинг иғвоси билан султонга қарши суиқасдда иштироки айби билан Ибн Халдун лавозимлардан четлатилди. Султон Абу Инон Ибн Халдунни зиндонга ташлади<sup>8</sup>.

Ибн Халдун зиндонда икки йил бўлди. У ҳукмдорни жаҳлдан тушириш мақсадида шоирлик истеъдодидан фойдаланди. У зиндонда ўз садоқатини исботлаб, султон Инонга бағищлаб икки юз мисрадан иборат қасида битади. Қасидани ўқиган султон Абу Инон Ибн Халдуннинг содиқлигига шубҳаси йўқолиб, уни зиндондан озод этади<sup>9</sup>. Ибн Халдун зиндондалигига ўзининг тарихий асари “Муқаддима” қисмини ёзишни режалаштиради<sup>10</sup>. Бунда у ўша давр ижтимоий муаммоларига жавоб бермоқчи, шинингдек ҳокимиятни келиб чиқиши сабабларини қидирмоқчи бўлади.

Султон Абу Инон ўлимидан сўнг Ибн Халдун регент вазифасини, яъни вақтинчалик ҳукмдорлик вазифасини бажаради. У марҳум султоннинг укаси Абу Салимнинг тахтга келишига ёрдам кўрсатади. Кейинги икки йил давомида Ибн Халдун султон Абу Салим саройида котиб ва бош қози вазифаларини бажаради. У саройда катта мавқеъга эришади. Лекин тез орада мамлакатда исён бошланади. Исённи султоннинг куёви Умар ибн Абдуллоҳ бошқаради. Ибн Халдун воқеалар ривожини диққат билан кузатади. Султон Абу Салим исённи бостира олмайди ва тахтдан воз кечади<sup>11</sup>.

1361 йилда вазир Умар ибн Абдуллоҳ ҳокимиятни эгаллайди, Ибн Халдун ғалаба қилган вазирни қўллаб қувватлайди. Лекин янги султон саройидан Ибн Халдунга лавозим таклиф қилинмайди. Ғарнота султони Муҳаммад ан-Насрий (манбаларда Муҳаммад V) Ибн Халдунни ўз саройига

<sup>7</sup>Дуктур Сайд Шурабажий Абд ал- Маваний. Ал-Фикру-л-Иқтисадий инда Ибн Халдун. Ар-Риёд: Тибаати идорати ас-Сақафати ва ан-Нашри, 1989 м., 19-бет

<sup>8</sup> Дуктур Муҳаммад Муъин. Фарҳангি Форсий. Техрон, 1371 х.ш., 82-бет

<sup>9</sup>Uludağ Süleyman. İbn Haldun. Hayatı. Eserleri. Fikirleri. Ankara. Harf Eğitim Yayıncılığı. 2022. – В. 15.

<sup>10</sup>[www.ummah.net/history/scholars/KHALDUN.html](http://www.ummah.net/history/scholars/KHALDUN.html)

<sup>11</sup> Uludağ Süleyman. İbn Haldun. Hayatı. Eserleri. Fikirleri. Ankara. Harf Eğitim Yayıncılığı. 2022. – В. 15.

таклиф қиласы. Султон Мұхаммад мутафаккирни тантана билан кутиб олади<sup>12</sup>. Насрийлар саройи вазири Ибн ал-Хотиб Ибн Халдунни сарой лавозимларидан бирига тайинлайди. Вазир Ибн ал-Хотиб нафақат сиёсатчи, балки машхур шоир ҳам эди<sup>13</sup>.

Бу вактта келиб, Пиреней ярим оролида Кастилия ва Леон қироллуклари кучайиб, мусулмонларни жанубга сиқиб келишаёттан эди. Гарнота султони Мұхаммад ал-Насрий Кастилия билан алоқаларни тиклаш ва муносабатларни дүстона рухға ўтказиш ниятида эди. 1363 йилда султон Мұхаммад ал-Насрий Ибн Халдунни Кастилия қироли Педро Ёвуз саройига әлчи сифатида жүннатади<sup>14</sup>. Бу вактда Ибн Халдуннинг номи бутун Мағриб ўлкасига, шунингдек Кастилия ва Андалузияда ҳам машхур эди, Ибн Халдуннинг әлчилик миссиясидан мақсад Кастилия қироллiği билан дүстлик муносабатларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш эди. Қирол Педро Ибн Халдунни тантанали равищда кутиб олади.

Музокаралар жараёнида Ибн Халдун күзланган мақсадға эришади. Элчининг имкониятлари ва қобилиятларини юқори баҳолаган Кастилия қироли Педро унга Ишбилияды қолишини таклиф этади. Албатта, бу таклифдан сиёсий мақсадлар күзланган эди. Чунки Ибн Халдун бутун Мағриб ўлкасидаги жамики давлатлар, шунингдек, Гарнота султонлигидаги ижтимоий –сиёсий вазиятни жуда яхши билар эди<sup>15</sup>. Қирол Педро келажақдаги истилолар, мақсадлар учун Ибн Халдуннинг нақадар аҳамиятли эканлигини билар эди. Шунингдек, Ибн Халдундек Мағриб мусулмон оламининг машхур кишиси насронийлар мамлакатида қолса, қирол Педрога маънавий устунлик беради. Унинг мақсадларини түғри анлаган Ибн Халдун қирол таклифни рад этади<sup>16</sup>.

Ибн Халдун ўзига юқлатилған вазифани адo этиб, Гарнотага қайтади. Лекин Гарнотада ақвол ўзгарған эди. Қирол Педронинг Ибн Халдунга бўлган муносабатидан хабар топган султон Мұхаммад Насрийнинг мутаффакирга нисбатан шубҳаси уйғонган эди. Унинг устига Ибн Халдуннинг саройда мавқеи ошиб кетишидан чўчиган вазир Ибн ал-Хотиб султон Мұхаммад Насрийнинг унга нисбатан гиж-гижлайди<sup>17</sup>. Султон Мұхаммад Насрий билан муносабатлари совуқлашгач, Ибн Халдун Гарнотани тарк этишга қарор қиласы.

<sup>12</sup>Дуктур Сайд Шурабажий Абд ал- Маваний. Ал-Фикру-л-Иқтисадий инда Ибн Халдун. Ар-Риёд: Тибаати идорати ас-Сақафати ва ан-Нашри, 1989 м.,16-бет

<sup>13</sup> Uludağ Süleyman. İbn Haldun. Hayatı. Eserleri. Fikirleri. Ankara. Harf Eğitim Yayıncılığı. 2022. – В. 16.

<sup>14</sup>Дуктур Сайд Шурабажий Абд ал- Маваний. Ал-Фикру-л-Иқтисадий инда Ибн Халдун. Ар-Риёд: Тибаати идорати ас-Сақафати ва ан-Нашри, 1989 м.,18-бет

<sup>15</sup> Ўша асар, 19-бет

<sup>16</sup> Uludağ Süleyman. İbn Haldun. Hayatı. Eserleri. Fikirleri. Ankara. Harf Eğitim Yayıncılığı. 2022. – В. 16.

<sup>17</sup> [www.islam.org/Science/Scientists/Khaldun.htm](http://www.islam.org/Science/Scientists/Khaldun.htm)

У Шимолий Африкада, яъни Мағрибга отланади. Унинг ёшлигидаги дўсти Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Бужа шаҳрининг хукмдори эди. Султон Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Халдуннинг Бужага таклиф этади.

Султон Абу Абдуллоҳ Ибн Халдунга ўз саройидан вазирлик лавозимини беради. У яна саройда хизмат қилишни бошлайди. Лекин бу сокин давр унинг ҳаётида узоқ давом этмайди. Ибн Халдуннинг укаси Яҳё Султон Абу Абдуллоҳ Муҳаммадга қарши суиқасдда иштирок этишгани учун зинданга ташланади. Унинг ва Ибн Халдуннинг отасидан мерос қолган мулклар давлат ҳисобига мусодара этилади. Исёнчининг акаси сифатида Ибн Халдун ҳам таъқибдан омон қолмаслигини сезиб, Бужани тарк этади.

Шундан сўнг, Ибн Халдун гоҳ Тлемсенга, гоҳ Фесга, гоҳ Андалузияга сафар қиласди. Кейинги йилларда Ибн Халдун Шимолий Африканинг турли қабилалари ичида яшади. У ўзининг дипломатик лаёқати ва қўчманчилик ҳаётини яхши билиши туфайли Мағриб қабилалари ичида катта обрў-эътибор қозонди. Кўп йиллар давомидаги сиёсий фаолият натижасида Ибн Халдун ўз асари учун катта миқдорда манбалар тўплаган эди.

Узоқ давом этган сиёсий фаолиятдан толиқсан Ибн Халдун узлатга чекинишга ҳаракат қиласди<sup>18</sup>. У Бани Ориф қабиласига қарашли бўлган Вуҳран яқинидаги Ибн Салом қалъасидан қўним топади. Бани Ориф қабиласи Бани Тўжин қабилаларидан бири эди<sup>19</sup>. Бу вақтда Ибн Халдун 45 ёшда эди.

Ибн Халдун Ибн Салом қалъасида тарихга оид асарининг кириш қисми бўлган “Муқаддима” асарини ёзади. У бу ерда 1375-1378 йиллар давомида истиқомат қиласди. Ибн Халдун “Муқаддима”ни тугатгач, тарихга оид асарини ёзишга киришади, лекин етарлича маълумот тўплай олмай, Тунисга йўл олади. Чунки Тунис султони Абул Аббоснинг бой кутубхонаси бор эди. У Тунисга 12 йилдан сўнг биринчи бор келади. Ибн Халдун кутубхона воситасида авлодининг ҳомийлари бўлган Ҳафасийлар сулоласи вакили Абул Аббос билан муносабатини тиклайди. Бу ерда Ибн Халдун барбарлар, араблар, форсларнинг исломгача ва кейинги даври тарихига оид китобининг биринчи вариантини яқунлайди<sup>20</sup>. Ибн Халдун ўз асарини давом эттириш учун манба қидиради. Бу орада унинг Ҳафасийлар билан муносабати яна бузилади.

1382 йил Ибн Халдун Мисрга йўл олади. Бу вақтда Миср пойтахти Қоҳира Яқин ва Ўрта Шарқнинг иирик илмий маркази эди. Мамлуклар саройи эса илм фан ва маданият ҳомийиси ва пешвоси сифатида донг таратган эди.

<sup>18</sup> Хотамий Сайд Муҳаммад. Ислом тафаккур тарихи. Т.: “Минхож”, 2003 й., 241-бет

<sup>19</sup> Дуктур Муҳаммад Муъин. Фарҳанги Форсий. Техрон, 1371 х.ш., 83-бет

<sup>20</sup> Uludağ Süleyman. İbn Haldun. Hayatı. Eserleri. Fikirleri. Ankara. Harf Eğitim Yayıncılığı. 2022. – В. 20.

Ибн Халдуннинг, хусусан унинг “Муқаддима” асари шуҳрати Миср олимларига ҳам етиб келган эди. Бу вақтда Миср таҳтида Мамлукларнинг черкес сулоласи асосчиси султон Барқуқ ўтирас эди. Султон Барқуқ (1382-1399) ва сарой аъёнлари Ибн Халдунни хуш тавозеълик билан кутиб олишди<sup>21</sup>. Шунингдек, султон Барқуқ Ибн Халдунга ҳомийликни таклиф этади. Барқуқ уни мамлуклар Мисрнинг бош қозиси лавозимиға тайинлайди<sup>22</sup>. Шу билан бир вақтда Ибн Халдун Олий Мамлук мактабига ишга таклиф қилинади ва у ушбу олий уқув муассасасида маъruzалар ўқийди. Ибн Халдуннинг ўзи Олий мамлук мактабида илк кириш маъruzасини қай тарзда ўқиганлигини батафсил ёритади. Унинг илк маъruzасига таниқли давлат арбоблари, шунингдек султон Барқуқ ҳам иштирок этади. Ибн Халдун маъruzасида олимларнинг жамиятда тутган мавқейи, ҳамда уларнинг давлат олдидаги хизматларни ёритган эди. Ибн Халдун султон ҳозирлигига олимларнинг давлат учун зарурлигини исботлашга ҳаракат қилди. Вазиятдан унумли фойдаланиб, у илк бор давлатнинг пайдо бўлиши ва инқирозга юз тутишга доир ўзининг шахсий фикрлари ва фаразларини баён қилди. Ибн Халдун ўзининг таржимаи ҳолида ёзишича, ўзининг қолган умрини илмий ва маърифий фаолиятга бағишлиланган.

Ибн Халдун қозилик фаолиятини Қохира яқинидаги Байнал-Қасрайн округига давом эттириди.

У қозилик вақтида жуда ҳам кўп муаммоли вазиятларга дуч келган. Ибн Халдуннинг ўзи ҳам қозилик фаолияти юқори доираларда тезда норозилик уйғотади деб башорат қилган эди. Ибн Халдун шундай деб ёзган эди: “Мен каминага юклатилган шарафли вазифа оғир эканлигини билар эдим, иложи борича қонунларга адолатли тарзда риоя этишларини таъминладим, адолатни юқори доиралар таҳдида қарамасдан ҳимоя қилдим. Қозилик ишида томонлар орасида заифларни ҳимоя қилдим, уларнинг кўрсатмаларни диққат билан эшитган ҳолда ҳақиқатни тиклашга ҳаракат қилдим. Кўрсатмаларнинг ҳаққонийлигига диққат қилдим”<sup>23</sup>. Ибн Халдун шунингдек, ўзи бартараф этган турли хил тартибсизликлар, қонунбузарликларни, жиноятларни санаб ўтади. Бундан кўриниб турибдики, Ибн Халдун билан манфаатлари тўқнашган юқори мартабали шахсларнинг ундан норозилиги ортган. Ибн Халдун қозиликка тайинлангандан сўнг бир неча ой ўтиб у ва давлат амалдорлари ўртасидаги дўстона муносабатлар бузила бошлайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Ибн

<sup>21</sup> Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока: Ибн Халдун «Введение». М., 1965 г.

<sup>22</sup>[www.trincoll.edu/depts/phil/philo/phils/muslim/khaldun.html](http://www.trincoll.edu/depts/phil/philo/phils/muslim/khaldun.html)

<sup>23</sup>Uludağ Süleyman. İbn Haldun. Hayatı. Eserleri. Fikirleri. Ankara. Harf Eğitim Yayıncılığı. 2022. – В. 21.



Халдун қозилик лавозимиға олти марта тайинланиб шунча марта лавозимдан озод қилинганды<sup>24</sup>.

Бу вақтда Ибн Халдуннинг оиласи Тунисда қолган эди. У Хафасийлардан зўрға рухсат олдириб, оиласини Мисрга олиб келишга харакат қиласиди. Лекин унинг ҳаётини ларзага солган фалокат рўй беради. Ибн Халдуннинг оиласи тушган кема Искандария портида ҳалокатга учрайди ва чўкиб кетади. Ибн Халдун оиласидан, мол-мулкидан, шунингдек, қимматбаҳо илмий ишларидан айрилди<sup>25</sup>. Лекин тақдирнинг бу муносабатларига қарамасдан Ибн Халдун илмий ишларини давом эттиради.

1399 йилда султон Барқуқ вафот этади. Мамлуклар Мисри тахтига Барқуқнинг 15 ёшли ўғли Фараж ўтиради. Бу вақтда Яқин Шарқда сиёсий вазият кескинлашади. Эронни истило қилган Мовароуннахр амири Темур қўшиналари Сурияга яқинлашиб келаётган эди. 1400 йилда Темур қўшиналари Сурияни йирик чегара шахри Ҳалабни эгаллайди ва Дамашққа яқинлашади. Фараж қўшин ҳозирлаб, юришга отланади. Ибн Халдуннинг ажойиб дипломатик қобилиятидан хабардор булган ёш султон уни ўзи билан Сурияга олиб кетади. Ибн Халдун Фаражга ҳамроҳлик қилиб, Дамашққа етиб келади. Лекин бу орада Мисрда исён кутарилади. Султон Фараж Дамашқни ташлаб, Мисрга қайтишга мажбур бўлади.

Темур қўшини Дамашқни қуршаб олади. Қамал ва қонли ҳужумлар бошланади. Ибн Халдун душман шаҳарни жанг билан қўлга киритса, қирғин бўлишини ўйлаб, бу оғир вазиятдан чиқиш йўлларини қидиради. Ибн Халдун Амир Темурга сулҳ тақлиф қилиб, ташаббусни ўз қўлига олмоқчи бўлади.

У қозилар кенгашидан девордан арқон воситасида тушиб, шаҳар ташқарисига чиқишга рухсат сўрайди. Узоқ ва қизғин баҳсдан сўнг, унга шаҳардан чиқишга рухсат берилади. Ибн Халдун арқонлар воситасида шаҳар деворларидан осилиб тушади. Шаҳар дарвозаси ёнида Ибн Халдунни Темур аскарлари ушлаб олишади. Улар олимни Дамашқ шахри доруғаси этиб тайинланган Темурнинг ўғли Мироншоҳ Мирзо ҳузурига олиб боришади. Ибн Халдун бу ҳакида ўзи шундай дейди: “Мен уларга салом бердим, улар менга жавоб қайтаришди. Шундан сўнг валиаҳд Мироншоҳ Мирзо менга от буюрди ва мени Темур ўрдугоҳига олиб бориш учун аскар қўшиб берди”<sup>26</sup>. Мироншоҳ Мирзо уни таниганлиги учун ҳурмат қилиб, от буютирган эди. Темур Ибн Халдунни юксак ҳурмат билан кутиб олади, учрашув чоғида Амир Темур ундан

<sup>24</sup> Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока: Ибн Халдун «Введение». М., 1965 г., с. 558

<sup>25</sup> Uludağ Süleyman. İbn Haldun. Hayatı. Eserleri. Fikirleri. Ankara. Harf Eğitim Yayıncılığı. 2022. – В.22.

<sup>26</sup> [www.ummah.net/history/scholars/KHALDUN.html](http://www.ummah.net/history/scholars/KHALDUN.html)

Мисрдаги ижтимоий-сиёсий ахвол тўғрисида, Султон Барқуқнинг уни қандай кутиб олганлиги тўғрисида, ҳамда султон оиласи ҳақида батафсил сўраган. Ибн Халдун бу мавзуда атрофлича тўхталиб ўтган. Шунингдек, Амир Темур Шимолий Африка, яъни Мағриб тўғрисида, унда жойлашган мамлакатларнинг ахволи ҳақида Ибн Халдундан батафсил маълумот олган. Вазиятдан фойдаланиб, Ибн Халдун ҳокимиятнинг вужудга келишига доир ижтимоий ва сиёсий қарашларини ва уни ташкил этувчи бирдамлик “асабият” тўғрисидаги фикрларини баён қилган<sup>27</sup>.

Темур эса ундан Мағриб тўғрисидаги маълумотларни беришни талаб қиласи ва Ибн Халдун уй қамоғида ушбу вазифа билан машғул бўлади.

Дамашқ қаттиқ ҳужум билан Темур қўшинлари томонидан эгалланади. Ибн Халдун илтимос қиласа ҳам, Дамашқ босқинчилар томонидан вайрон қилинади. Ибн Халдун эса Темур билан дўстона рухиятни давом эттиради. Ибн Халдун Темурнинг илм ахли билан ўтказган кенгашларида қатнашади. Шундан учрашувлардан бирида Аббосийлар халифалиги ҳақида фиқхшунос олимлар орасида баҳс келиб чиқади. Ибн Халдун мунозара давомида ўзининг халифалик ҳақидаги қарашлари ва халифаликнинг қонунийлигига оид турли хил мусулмон қарашларини ҳам келтириб ўтди (Суннийлар, шиалар ва хорижийлар). Ибн Халдуннинг дунёқарashi, билимдонлиги ва сиёсий тажрибаси Амир Темурнинг унга нисбатан ҳурматини оширди. Шунинг учун Темур олимни ўз саройига таклиф қилди. Ибн Халдун эса Мисрга қайтишни ўйлар эди. Лекин у Темурнинг таклифни рад этишдан қўрқар эди. Шунинг учун Ибн Халдун Темур таклифни қабул қилди ва кутубхонасини кўчириб келтириш учун Қохирага боришга ундан рухсат сўрайди. Темур мутафаккирга бўлган ҳурмати юзасидан унга рухсат беради. Ибн Халдун шу тарзда Мисрга етиб келади<sup>28</sup>.

Ушбу ҳийла ҳақида Темурнинг сарой тарихчиси Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: “Шунингдек, бош қози Валиуддин Абдураҳмон ибн Халдун Моликийдан бошқа ҳеч ким уни алдамаган.”<sup>29</sup> Ибн Арабшоҳнинг келтирган мулоҳазаси баҳсли, лекин бу ҳолатда тарихчининг Амир Темурга бўлган муносабатини билиши мумкин.

Ибн Халдун Мисрга етиб келгач яна қозилик фаолияти билан шуғулланади, шунингдек у муддарислик ҳам қиласи. Колган умрини Ибн

<sup>27</sup> Uludağ Süleyman. İbn Haldun. Hayatı. Eserleri. Fikirleri. Ankara. Harf Eğitim Yayıncılığı. 2022. – В. 22.

<sup>28</sup> Хотамий Сайд Мұхаммад. Ислом тафаккур тарихи. Т.: “Минхож”, 2003 й., 248-бет

<sup>29</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. Т., 1992 й., 159-бет



Халдун тарихга оид асарини ёзиш ва «Муқаддима» сини тўлдириш ишларига сарфлади. Ибн Халдун 1406-йилда Қохира шахрида 74 ёшида вафот этади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Абдураҳмон Абузайд ибн Халдун Мағриб ўлкаларида олиб борган ижтимоий-сиёсий фаолияти асосида жуда ҳам бой билим ва тажрибаган эга бўлди. Ҳаётий тажрибаси асосида Ибн Халдун дунёга машҳур “Муқаддима” асарини ҳамда тарих фалсафаси, жамият фалсафаси, социология, сиёсат соҳаларига доир қарашларини шакллантирди. Мутафаккирнинг жамият ва давлат бошқаруви, ахлоқ, қадриятлар масаласига доир қарашлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Григорян С. Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. М., 1966 г., с. 311
2. Uludağ Süleyman. İbn Haldun. Hayatı. Eserleri. Fikirleri. Ankara. Harf Eğitim Yayıcılığı. 2022. – В. 13.
3. Дуктур Муҳаммад Муъин. Фарҳанги Форсий. Техрон, 1371 х.ш., 16-бет
4. Дуктур Сайид Шурабажий Абд ал- Маваний. Ал-Фикру-л-Иқтисадий инда Ибн Халдун. Ар-Риёд: Тибаати идорати ас-Сақафати ва ан-Нашри, 1989 м., 19-бет
5. Ҳотамий Сайид Муҳаммад. Ислом тафаккур тарихи. Т.: “Минҳож”, 2003 й., 241-бет
6. Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Байрут, 1900 м.,
7. Sulaymonov, J. B. (2021). IBN XALDUNNING „MUQADDIMA “ASARIDA JAMIYAT TARAQQIYOTIGA TA’SIR QILUVCHI OMILLAR TALQINI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(4), 732-737.
8. Sulaymonov, J. B. (2021). ABU ZAYD ABDURAHMON IBN XALDUNNING „MUQADDIMA “ASARIDA DAVLAT TUSHUNCHASIGA YONDASHUVLAR TALQINI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(6), 9-14.
9. Sulaymonov, J. B. (2022). ABDURAHMON IBN XALDUN AXLOQIY QARASHLARI VA SARVAPALLI RADHAKRISHNAN AXLOQIY QARASHLARINING QIYOSIY LIHATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 25), 363-373.
10. Сулаймонов, Ж. (2021). АБДУРАҲМОН ИБН ХАЛДУННИНГ ТАМАДДУН ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИДА ЖАМИЯТ ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1), 451-455.



11. Сулаймонов, Ж. Б. (2022). ИБН ХАЛДУН ҚАРАШЛАРИДА “ТААССУБ” КАТЕГОРИЯСИННИГ АҲАМИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 864-871.
12. Сулаймонов, Ж. Б. (2022). АБДУРАҲМОН ИБН ХАЛДУН ИЖТИМОЙ ҚАРАШЛАРИ ВА ЛИ ЎЛГОК ИЖТИМОЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(6), 1477-1483.
13. Сулаймонов, Ж. Б. (2022). АБДУРАҲМОН ИБН ХАЛДУН ИЖТИМОЙ ҚАРАШЛАРИ ВА КОНФУЦИЙ ИЖТИМОЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 26), 613-621.
14. Sulaymonov, J. B. (2019). Ibn Xaldun ijtimoiy-falsafiy qarashlarida axloqiy masalalar. *Falsafa va huquq jurnali*, 42-45.
15. Sulaymonov, J. B. (2020). Vzglyadi Abdurrahmana ibn Xalduna o razvitiya obshchestva i sivilizasii. *Mejdunarodniy nauchno-prakticheskiy jurnal "Ekonomika i sotsium"*, 12, 79.
16. Сулаймонов, Ж. Б. (2022). АБДУРАҲМОН ИБН ХАЛДУННИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПЦИЯСИДА “АСАБИЙЯ” КАТЕГОРИЯСИ ТАҲЛИ. *Academic research in educational sciences*, 3(6), 719-726.
17. Сулаймонов, Ж. (2018). Идеи географического детерминизма во взглядах Ибн Халдуна. *Востоковедения*, 4(4), 108-111.
18. Сулаймонов, Ж. (2020). АБДУРАҲМОН ИБН ХАЛДУННИНГ ЖАМИЯТ ВА ТАМАДДУН ТАРАққИЁТИ ҲАҚИДАГИ қАРАШЛАРИ. *Экономика и социум*, (12-2 (79)), 163-167.